

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИЗАМОВ УЛУҒБЕК ИРГАШЕВИЧ**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА МАГИСТРАЛ ТОМИРЛАРНИ ҚАРИШ ХАВФ  
ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ АСОСИДА ТАШХИСЛАШ ВА  
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Низамов Улуғбек Иргашевич**

Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда магистрал томирларни қариш хавф омилларини баҳолаш асосида ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш ..... 3

**Низамов Улуғбек Иргашевич**

Совершенствование методов диагностики и лечения у больных ишемической болезнью сердца на основании оценки факторов риска старения магистральных сосудов ..... 25

**Nizamov Ulugbek Irgashevich**

Improvement of diagnostic and treatment methods in patients with coronary heart disease on the basis of assessment of aging's risk factors of main vessels..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИЗАМОВ УЛУҒБЕК ИРГАШЕВИЧ**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА МАГИСТРАЛ ТОМИРЛАРНИ ҚАРИШ ХАВФ  
ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ АСОСИДА ТАШХИСЛАШ ВА  
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.1.PhD/Tib550 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори диссертацияси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шек Александр Борисович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гадаев Абдиғаффор Гадаевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Чарос Абдужалиловна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р. Д. Курбанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Г. У. Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А. Х. Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги ўн йилликларда эрта ўлим кўрсаткичининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, айниқса, меҳнатга лаёқатли ёшларда юқумли бўлмаган касалликлардан ва, авваламбор, юрак-қон томир касаллик (ЮҚТК)ларидан. Ҳозирги кунда барча ўлим кўрсаткичининг 90% дан кўпроғини юқумли бўлмаган касалликлар ташкил этади, уларнинг 60,5% – ЮҚТК<sup>1</sup>. Статистик изланишларга кўра, «2018-йилда Ўзбекистонда ўлим кўрсаткичининг 59,6% қон айланиш тизими касалликлари билан боғлиқ бўлган<sup>2</sup>, 32,5% юрак ишемик касаллиги (ЮИК)га тўғри келди»<sup>3</sup>. ЮИК билан хасталанган беморлар ичида 43,5% ҳолларда зўриқиш стенокардияси, 2,3% беморларда – ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) ва 54,2% да ЮИКнинг бошқа шакллари ташхиси аниқланган<sup>4</sup>.

Жаҳонда ЮҚТКлари юқори хавфи бўлган беморларни эрта ташхислаш, уларда ЮИК ва бош мияда қон айланиши бузилишининг олдини олиш чора-тадбирлари самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ЮИК билан оғриган беморларда қон томир деворининг эластиклигини бузилишини эрта ташхислаш усуллари оптималлаштириш, касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Юрак-қон томир асорат (ЮҚТА)лари бўйича юқори хавф гуруҳларини аниқлаш учун магистрал томирларнинг қаттиқлигини ўрганиш ЮИК бўлган беморларда тож артерия (ТА)лар шикастланиш оғирлигига қараб патогенетик даволашни такомиллаштириш ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган сифатли кардиологик тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари амалиётга жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш»<sup>5</sup> бўйича муҳим вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда ЮҚТКларда ўлим ҳолати ҳамда ногиронликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлашнинг бошқа бўғинларига татбиқ этиш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Статистический ежегодник регионов Узбекистана. Ташкент. — 2015. — 26 с.

<sup>2</sup> Аналитические материалы Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. — 2018.

<sup>3</sup> World Population, Data Sheet. Population Reference Bureau. — 2018.

<sup>4</sup> Курбанов Р. Д., Хошимов Ш. У., Ахмедова Ш. С., Алиева Р. Б., Зияева А. В., Ходиметова Ш. А., Шек А. Б. Особенности гипополипидемического и плеiotропного действия статинов у больных ишемической болезнью сердца // Кардиология Узбекистана. — Ташкент. — 2018. — №1. — С. 63-68.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қорори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Атеросклероз ва артериал деворнинг қаттиқлиги ўртасидаги боғлиқлик бўйича консенсус мавжуд эмас. Бир қатор ишларда қон томирларининг эластиклиги ва уларда атеросклеротик пиллакча (АСП) борлиги ўртасида боғлиқлик аниқланмаган (Сеселја М., 2009). Олдинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қон томир эластиклигининг пасайиши атеросклерознинг ривожланишини кўрсатади ва атеросклеротик жараённинг умумий тарқалиши билан боғлиқ (Mitchell G. F., 2004), аммо бундай алоқа мавжудлигини тан оладиган тадқиқотчилар ҳам буни тушунтириш учун бир-бирига зид бўлган назарияларни таклиф қилмоқдалар (Mitchell G. F., 2005). Атеросклерознинг маълум бир босқичида артериялар деворининг қаттиқлигини оширишини етакчи роли тўғрисида фаразиялар мавжуд. Бошқа тадқиқотчилар шуни тахмин қилишмоқдаки, томирлар деворининг шикастланишига ва атеросклерознинг ривожланишига олиб келадиган сабаб – артерия деворларнинг қаттиқлигини тобора кучайиб бориши (Lovett J. K., 2013).

ЮИК билан оғриган беморларнинг прогнозига артериал қаттиқликнинг таъсири тўғрисида чекланган маълумотлар мавжуд. Тажрибавий ишларда аорта қисқаришининг пасайиши, айниқса, коронар атеросклероз фонида, коронар перфузиянинг бузилишига олиб келиши кўрсатилди (Kass D., 1996). Пульс тўлқини тарқалиш тезлиги (ПТТТ) ўткир коронар синдромли (ЎКС) (Tomiyama H., 2005) ва стабил кечувчи ЮИК (Орлова Я. А., 2009) бўлган беморларда госпитал ва эрта касалхонадан кейинги даврларда ЮҚТАлари ривожланишининг мустақил предиктори эканлиги аниқланган. Тўпланган билимлар шуни кўрсатадики, артериал деворларнинг қаттиқлигини камайтиришга қаратилган терапевтик стратегия индивидуал хавф омил (ХО)ларини ўзгартиришга қараганда, беморларнинг прогнозида сезиларли яхшиланишга олиб келади.

Бир неча йиллардан бери, кўплаб мамлакатларда ПТТТ ҳужжатлаштирилган ЮҚТКлари, шу жумладан, атеросклероз, ЮИК ва

инсулт билан оғриган беморларда артериал қаттиқликни баҳолаш учун кенг қўлланилади (Miyoshi T., 2010). ПТТТ даражаси аниқланган ЮИК билан хасталанган беморларда коронар атеросклерознинг оғирлигини акс эттиради (Izuhara M., 2008). Ангиографиядан фойдаланган тадқиқотлар натижаларига кўра, қон томир деворининг қаттиқлиги атеросклероздан шикастланган ТАлар (Laurent S., 2016) сонига ва улар стенозининг тарқалишига ва даражасига (Isnard R. N., 1989) мутаносиб равишда ошиши исботланган. Шундай қилиб, артериал қаттиқлигининг ошиши атеросклерознинг клиник кўриниши, шу жумладан, ЮИК билан оғриган беморларда салбий прогноз билан ва ПТТТнинг кўпайиши атеросклеротик шикастланишнинг тарқалиши билан боғлиқ.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий табиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №МУЗ-2015-0905205928 «Қон томирларнинг қариш хавф омилларининг интеграл баҳолаш асосида юрак ишемик касаллиги бор беморларда эрта ташхислаш, даволаш ва прогнозни яхшилаш усулларини ривожлантириш» (2016-2018) ёшлар амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда магистрал томирлар деворининг қаттиқлигини, марказий гемодинамика кўрсаткичларини ва 3-металлопротеиназалар гени полиморфизмини баҳолаш асосида коронар атеросклерозни эрта ташхислаш, хавф стратификациясини ва даволаш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЮИК бўлган беморларда турли хил ТАларни шикастланиш сонига ва коронар атеросклерозни тарқалиш даражасига қараб артериал қаттиқликни аниқлаш;

ЮИК билан оғриган беморларда 3-металлопротеиназа (ММП-3)ларнинг гени 5А/6А полиморфизмини ММП-3 генетик полиморфизм турига ва ПТТТ ва аугментация индекси (АІх) параметрларига қараб қон томир деворининг қаттиқлик ҳолатини аниқлаш;

медикаментоз терапияси таъсири остида ПТТТ, АІх ва марказий гемодинамика (ГД) кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини баҳолаш;

ХОлар ва уларнинг бирикмасининг прогностик аҳамиятини ҳалокатли ёки ҳалокатсиз юрак-қон томир ҳодисаларини ривожланишида аниқлаш, шунингдек беморларнинг ушбу гуруҳида жамлама юрак-қон томир хавфи (ЮҚТХ) ва ЮҚТАлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб ЮИК билан оғриган беморлар учун жамлама ЮҚТХни баҳолаш учун мезонларни яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида кузатув остидаги 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган 158 та киши ташкил қилди, улардан 25 нафари оптимал ва/ёки

юқори нормал қон босими (ҚБ) бўлган ўртача ва катта ёшдаги беморлар назорат гуруҳини, коронароангиография (КАГ) томонидан тасдиқланган ЮИК билан хасталанган 133та бемор асосий гуруҳни ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида анамнез йиғиш, объектив кўрик маълумотлари, ТАларнинг ангиографик тавсифи, эхокардиография (ЭхоКГ) ва аппланацион тонометрия параметрлари, липид метаболизмини ва яллиғланиш белгиларини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда лаборатория қон текширувлари, ММП-3 ни генетик ўрганиш маълумотлари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал, ангиографик, генетик тадқиқот ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек популяциясида артериал томир деворининг қаттиқлигини кўтарилганлиги ТАларнинг атеросклеротик шикастланишнинг оғирлиги билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ўзбек популяциясида ТАларнинг гемодинамик жиҳатдан жиддий атеросклеротик шикастланиш мезони артериал томир деворининг қаттиқлиги кўрсаткичларига (ПТТТ, АІх) қараб аниқланган;

илк бор ўзбек популяциясида ЮИК бўлган беморларда қон томир қаттиқлигининг аниқланган кўрсаткичлари (ПТТТ, АІх) медикаментоз терапия самарадорлигини ва ремоделланган артерияларнинг тикланишини баҳолаш учун ишлатилиши мумкинлиги исботланган;

илк бор ЮИК бўлган беморларда томирларнинг қаттиқлиги ва марказий ГД параметрларини ҳисобга олган ҳолда жамлама ЮҚТХни баҳолаш мезонлари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

назорат гуруҳи билан солиштирганда ЮИК бўлган беморларда ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда периферик ва марказий ҚБ кўрсаткичларида сезиларли фарқ аниқланган ва ЮИК бўлган беморларда коронар атеросклероз даражаси ва томир деворининг қаттиқлиги параметрлари ўртасидаги ишончли боғлиқлик исботланган;

томирларнинг қариш индекси ПТТТнинг кўпайишига қараб ҳисобланган: ЮИК билан оғриган беморларда камида битта томир ҳовузи шикастланганда 1 йил томирларнинг эрта қариши ПТТТни 0,2 м/с ошишига тенглиги ва томир деворининг қаттиқлиги ва коронар атеросклерознинг даражасини ифодаланганлиги ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган: ПТТТнинг 10,6 м/с дан ошиши билан биргаликда АІхни 20% дан кўплиги ТАларда гемодинамик аҳамиятга эга бўлган АСП мавжудлиги исботланган;

периферик систолик қон босими (пСҚБ), марказий систолик қон босими (мСҚБ), марказий пульс босими (ПБ), АІх ва ПТТТ каби мезонлар асосида бирламчи ва иккиламчи сўнгги нуқта (СН)ларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини юқори башоратловчи кўп омилли модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишдаги қўлланилган назарий ёндашув ва усулларни тўғри қўлланилганлиги, беморлар сонининг

етарлилиги, услубий жиҳатдан тўғри ёндашиш, тадқиқот натижаларининг хорижий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, олинган натижалар ҳамда чиқарилган хулосаларнинг далилий тиббиёт тамойилларига асосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, аппланацион тонометрияси ёрдамида пульс тўлқини (ПТ)нинг контурли таҳлил қилиш усули билан аниқланган ПТТТ кўрсаткичидан фойдаланиш ТАларда атеросклероз ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш учун клиник ва илмий ишларда артериал деворларининг ҳолатини аниқ баҳолашда имкон бериши ва амалий соғлом одамларда томир деворларининг қаттиқлиги кўрсаткичларининг белгиланган қийматларидан фойдаланиш ва уларнинг ЮҚТКлари учун мавжуд бўлган ХОлари билан ўзгариши ЮИК ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш учун ишлатилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЮИК бўлган беморларда ПТТТни баҳолаш орқали артериал деворнинг қаттиқлигини аниқлаш ЮҚТКлар асоратлари ва уларнинг иккиламчи профилактикаси учун юқори хавфли гуруҳларни шакллантиришга ва ТАнинг шикастланиш даражасини баҳолашга имкон бериши ва ПТТТдан фойдаланиш антигипертензив терапия самарадорлигини қўшимча назорат қилиши ва ЮИК бўлган беморларда ремоделланган артерияларнинг тикланишини баҳолаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда магистрал томирларни қариш хавф омилларини баҳолаш асосида ташхислаш, даволаш чораларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда атеросклерознинг тарқалишини ноинвазив баҳолашда томирларнинг қаттиқлиги параметрларининг аҳамияти» мавзусидаги методик тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 8н-з/153-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада келтирилган маълумотларни амалиётда анамнез, клиник маълумотлар, липид спектри таҳлиллари каби осон ҳамда қиммат бўлмаган клиник усулларни қўллаб амалга ошириш юрак ишемик касаллиги ташхислашга имкон берган.

Юрак ишемик касаллиги беморларида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кардиология диспансери ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 8н-з/153-сон маълумотномаси). Натижада, ЮИК ташхис қўйиш жараёнининг тезлашишига, қон томирларининг қаттиқлиги ва марказий гемодинамика параметрларини баҳолаш орқали ҳар бир бемор учун ЮҚТХни аниқлаш учун муқобил хавф-

стратификацияси схемасини ишлаб чиқишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар нашр қилинган бўлиб, жумладан, 12 та мақола Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, уларда 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисмидан, 3 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

“Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда магистрал томирларни қариш хавф омилларини баҳолаш асосида ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштириш” мавзули диссертациянинг «**Адабиётлар маълумотлари мунозараси**» деб номланган биринчи бобида диссертацияга тааллуқли халқаро илмий тадқиқотларнинг изчил таҳлили ўтказилган. У ерда ЮҚТК лари билан оғриган беморларда турли хил омилларнинг қон томир қаттиқлигига таъсири тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган, ундан ташқари кенг миқёсли эпидемиологик тадқиқотлар шарҳи келтирилган, унда томирларнинг чўзилиш хусусияти ЮҚТКлари хавфининг ошиши ва мавжуд ЮҚТКлари бўлган беморларда ЮҚТАларини башорат қилувчиси сифатида тан олинган, умумий ЮҚТХни баҳолаш учун мавжуд учта асосий моделлар ҳақида қисқача маълумот берилган, охириги адабиётларга кўра хужайрадан ташқари матрикс ҳолати қон томир деворининг қаттиқлигининг параметрларини ўзгартириб оладиган омил сифатида муҳокамаси келтирилган, турли хил дориларнинг томирларнинг ремоделлаш даражасига таъсири ва ЮИК бўлган беморларда қон томир деворларининг қаттиқлигининг клиник аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифномаси**» деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўйилган мақсаддан келиб чиқиб клиник Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ЮИК лабораториясида 2015-

йилдан 2019-йилгача стационар шароитда даволанган 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган (ўртача  $62,4 \pm 7,7$  ёшни ташкил қилади) 158 та беморлар жалб қилинди. Шулардан амалий соғлом ўрта ва катта ёшдаги оптимал ва/ёки юқори нормал ҚБ бўлган 25 таси назорат гуруҳини, 133 таси КАГ томонидан тасдиқланган ЮИК бўлган беморлар асосий гуруҳни ташкил этди.

Тадқиқотнинг киритиш мезонлари: тасдиқланган ЮИК; зўриқиш стенокардисининг Canadian Cardiovascular Society (CCS) бўйича II-III функционал синф (ФС) лари; 3 ойдан ортиқ вақт давомида ностабил стенокардиясин ва ЎМИнинг йўқлиги.

Бирламчи СНлар деб тўсатдан кардиоген (юрак) ўлими, фатал/нофатал ЎМИ ва фатал/нофатал ўткир мия қон айланиш бузилиши (ЎМҚАБ) танланган.

Иккиламчи СН сарфига ТАларни стентлаш амалиётини (ТАСА) ва аорта-коронар шунталаш амалиётини (АКША) ўтказлиги, транзитор ишемик атака ҳодисаси, госпитализацияга олиб келган ЮИКнинг дестабилизацияси киритилган.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари: гемодинамик аҳамияти бор юрак нуқсонлари бўлган, туғма ва ортирилган, оғир аортал ва митрал регургитацияси билан оғриган беморлар; турли хил генезли юрак ритмининг бузилиши; елкаларда ривожланган шишлар; тромбозларга мойиллик; Рейно касаллиги; нафас олиш ва асаб тизимларининг, ошқозон-ичак трактининг ўткир ва кўзиш давридаги сурункали касалликлари; гормонал дориларни талаб қиладиган гематологик ва аутоиммун касалликлар, ҳамда онкологик касалликлар; юрак, ўпка, буйрак ва жигар этишмовчиликлари ва анамнезида бош мия жароҳатланиши.

Тадқиқот баённомасига кўра касалхонага ётқизилган дастлабки 24-48 соат ичида умумий текширувлари: 12 тармоқли стандарт электрокардиография (ЭКГ), ЭхоКГ, клиник ва биокимёвий қон таҳлиллари, шу жумладан, липид спектри ва юқори сезгир С-реактив оқсили (юзСРО) бажарилган. Аритмияси бор беморларда Холтер усули бўйича ЭКГ мониторинг (ХМЭКГ) текшируви ўтказилган. Шунингдек, касалхонага ётқизилишининг биринчи кунда барча беморлар томир девори қаттиқлиги ва марказий ГД ҳолатини баҳолаш учун аппланацион тонометрия текширувидан ўтишди. Барча беморларга ацетилсалицил кислотаси, клопидогрел (керак бўлса), статинлар,  $\beta$ -блокаторлар каби асосий терапия тавсия этилган. Бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда: сурункали юрак этишмовчилиги (СЮЕ), АГ, қандли диабет (ҚД) нинг 2-тури – ангиотензинга айлантурувчи фермент ингибиторлари (ААФи) ёки сартанлар қўшилган. Жамлама ЮҚТХ биз ишлаб чиққан кўп омилли "ЖЁСТКОСТЬ" шкаласи бўйича баҳоланди. Ҳар бир шахс учун генеалогик тарихини ўз ичига олган генетик профиль тўлдирилди. Рўйхатдан ўтиш хариталари ёрдамида оиладаги ЮҚТКларига мойиллигини аниқлаш билан уч авлоддаги ўзбек миллатига мансуб беморлар танланди. Генетика хариталари маҳаллий дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) маълумотлар базасида (GeneSecure 1.0 RSCC) қайд этилди. ММП-3 5А/6А

генининг аллель вариантларини ташиш учун намуналарни ёзиш RFLP-PCR усули билан амалга оширилди. Қон томирларининг қаттиқлигини ўрганишнинг такрорий босқичлари аппланацион тонометриясидан 6 ой ва 1 йил кейин ўтказилди.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel 2010 маълумотлар базасида амалга оширилди. Маълумотлар қуйидагича ифодаланган: арифметик ўртача ( $M$ ) ± стандарт чекланиш ( $SD$ ). Таксимот турига қараб узлуксиз қийматлар фарқларининг статистик аҳамиятини аниқлаш учун  $t$  Стъудент мезони (параметрик таксимот учун) ва Колмогоров-Смирнов мезонлари, Манн-Уитни  $U$ -мезони (нопараметрик таъсимот учун) ишлатилган. Дискрет ўзгарувчиларни таққослашда  $\chi^2$  мезони ва Фишер аниқ мезонидан фойдаланилган. Миқдорий белгиларнинг корреляциясини баҳолаш учун чизикли регрессия усуллари ва корреляцион таҳлил (Пирсон, Спирман корреляция коэффициентлари) ишлатилган. Бир нечта хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун кўп ўлчовли регрессия таҳлилидан фойдаланилди. Фарқлар ва корреляцион боғланишлар  $p < 0,05$  да статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланди. Гуруҳлар ичидаги динамик ўзгаришларни баҳолаш учун белгилар мезони ва  $t$  мезони қўлланилди. Учдан ортик гуруҳларни таққослаш учун ANOVA вариант таҳлил усули ишлатилган. Ҳар бир SNP учун кутилган натижалардан чекланишини Ҳарди-Вайнберг усули қўлланилди. Баҳолаш онлайн-калькулятор ёрдамида  $\chi^2$  мезонига мувофиқ амалга оширилди (<http://www.oege.org/software/hwe-mr-calc.shtml>, мурожаат санаси: 12.02.2019 й.). Генотип частотаси  $\chi^2 < 3,84$  да Ҳарди-Вайнберг мувозанатига мос келади. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган гуруҳлардаги ижобий ва номувофиқ натижаларнинг частоталарини таққослаш учун, ишонч оралиғини (ИО) аниқлаган ҳолда, имконият нисбати (ИН) ҳисоблаб чиқилган. Ўрнатилган бинар белгиларидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланади, агар ИН учун ИО таркибида бир сони бўлмаса.

Диссертатсиянинг «**Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда томир девори қаттиқлигини ва марказий гемодинамиканинг аҳамияти**» деб номланган учинчи бобида жалб этилган беморларнинг клиник ва анамнестик хусусиятлари батафсил ёритилган (1-жадвал). Беморларда ЮИКнинг ўртача давомийлиги  $7,0 \pm 3,9$  йилни ташкил этди. Ушбу когортадаги (85 бемор – 53,8%) АГни давомийлиги беморларнинг жинсидан қатъи назар, ЮИКнинг давомийлигидан 3,8 йилга ( $p < 0,05$ ) узоқ бўлган. Ирсий мойиллик беморларнинг 39,9% да кузатилган. 43 бемор (27,2%) анамнезида ЎМИни ўтказган. Беморларни CCSга кўра ФС бўйича таснифланган «Стабил зўриқиш стенокардияси» (СтЗСт) ташхиси қўйилган. СтЗСт нинг ФСлари қуйидагича таксимланди: II-ФС – 97 бемор (61,4%) ва III-ФК – 36 бемор (22,8%). 55 бемор (34,8%) миокард ревазуляризация амалиётидадан ўтди, шундан 12 беморда АКШАдан (7,6%) ва 43 бемор (27,2%) ТАСА (ангиопластика ва/ёки ТАларни стентлаш амалиёти)дан ўтди. 34 беморга (21,5%) ҚД 2-тури ташхиси қўйилган, 19 беморда (12,0%) – периферик атеросклероз (ПА) аниқланган. Бундан ташқари, 8 бемор (5,1%) анамнезида

ТИА ни, 7 та бемор (4,4%) – ЎМҚАБни ўтказган.

1-жадвал

### Беморларнинг клиник хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Умумий когорта, n=158
Ёши, йил	62,4±7,7
ЮИК давомийлиги	7,0±3,9
АГ	85 (53,8%)
АГ давомийлиги	10,8±4,2
Қариндошликнинг биринчи даражали қариндошларида ЮИК ёки АГ ни мавжудлиги	63 (39,9%)
Анамнезида ўтказилган ўМИ	43 (27,2%)
Стабил зўриқиш стенокардияси:	
ССС бўйича II-ФС	97 (61,4%)
ССС бўйича III-ФС	36 (22,8%)
Ўтказилган ТОКА	43 (25%)
Ўтказилган АКША	12 (6,8%)
Ўтказилган ТИА	8 (4,7%)
Ўтказилган ўМҚАБ	7 (4,1%)
ПА	19 (11,0%)
ҚД 2-тури	34 (19,8%)
Тана вазни индекси, кг/м <sup>2</sup>	28,4,0±4,8
Бел айланаси, см	84,1±10,3

Ортиқча вазни ва семириш бўлган беморларнинг улуши 58,2% (92 та бемор) ни ташкил этди. Шунингдек, ушбу когортадаги аёллар орасида ортиқча вазн ва семиришнинг тарқалиши эркакларникига қараганда 8,8% га ( $\chi^2=2,58$ ,  $p<0,05$ ) юқори эди.

Умумий холестерин (УХ) кўрсаткичи 180 мг/дл дан ошганлиги 64,6% да (102 та бемор) аниқланди, улардан 58 нафари эркаклар ва 44 таси аёллар бўлган. Kidney Disease Outcomes Quality Initiative (K/DOQI) бўйича ўртача коптокча филтрация тезлиги (КФТ) – 65,1±11,5 мл/мин/1,73 м<sup>2</sup>, сурункали буйрак касаллиги (СБК) ни 2-босқичига тўғри келди ва унда ишонарли гендер фарқ аниқланмади. Тўпик-елка индекси (ТЕИ) норманинг пастки чегарасига тўғри келди - 0,97±0,15 ва у эркакларда (ТЕИ=0,95±0,14) аёлларга қараганда (ТЕИ=1,01±0,19,  $p<0,05$ ) ишонарли паст эди.

ЭхоКГ натижаларига кўра, текширилган беморларда чап қоринча гипертрофияси (ЧҚГ) белгилари топилди: қоринчалараро тўсиғини қалинлиги (ҚАТК) ни - 12,0±1,2 мм, чап қоринча орқа деворининг қалинлиги (ЧҚОДК) ни - 11,8±1,11 мм ва чап қоринча миокард массаси индекси (ЧҚММи) - 117,8±13,2 г/м<sup>2</sup> ошиши. Чап қоринча (ЧҚ) систолик функцияси сақланган эди: отилиш фракцияси (ОФ)нинг ўртача қиймати нормал параметрларга тўғри келди - 57,9±6,1%. ЧҚнинг диастола ва систола охиридаги ўлчамлар (ДОЎ ва

СОЎ), диастола ва систола охиридаги ҳажмлар (ДОҲ ва СОҲ) ва чап бўлмача (ЧБ) каби кўрсаткичлар нормал чегараларда аниқланди. 25,9% (41 та бемор) ҳолатда ЧҚ қисқарувчанлигида локал бузилишлар аниқланди: 32 та беморда (20,3%) ЧҚ сегментларининг гипокинез соҳалари аниқланди; 9 та беморда (5,7%) ЧҚ сегментларининг акинезия ҳолати бўлган. 4 та беморда (2,5%) ЧҚ аневризмаси аниқланди.

Уйқу артерия (УА)лар сонографияси маълумотларига кўра 36,7% да (58 та бемор) АСПлар аниқланди, девор стенозининг ўртача қиймати  $24,6 \pm 12,6\%$  га тўғри келди.

ЮИК билан оғриган беморларда қаттиқлик кўрсаткичлари АГ борлигига қараб таққосланди. Уларнинг маълумотлари 2-3-жадвалларда келтирилган.

2-жадвал

**ЮИК бўлган беморларда марказий (аортал) ва периферик ҚБ ўртача кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=25)	ЮИК (n=133)	F	p
Ёши, йил	61,7±6,6	62,5±6,9	1,2	0,092
ПСҚБ, мм сим. уст.	120,4±10,6	133,2±21,0	3,7	0,005
ПДҚБ, мм сим. уст.	81,6±8,2	83,8±12,9	2,5	0,543
ППБ, мм сим. уст.	38,8±6,9	49,4±16,3	2,5	0,084
МСҚБ, мм сим. уст.	110,9±11,0	121,5±20,2	3,3	0,013
МДҚБ, мм сим. уст.	82,6±8,2	81,7±13,0	2,6	0,552
МПБ, мм сим. уст.	28,3±6,3	39,8±14,6	4,9	0,003
АА, мм сим. уст.	5,4±4,4	12,8±7,7	3,9	0,038
ПТТТ, м/с	8,1±1,2	11,7±2,3	4,2	0,021
АІх, %	5,6±1,5	31,4±8,6	5,3	0,0001
АІх@HR75, %	7,93±1,9	22,04±5,0	4,6	0,0041

2-жадвал шуни кўрсатадики, ЮИКни назорат гуруҳи билан солиштирганда периферик ва марказий ҚБ анча юқори бўлган: СҚБ, ПБ, ПТТТ ва ПТ нинг аугментациясини ифодаловчи кўрсаткичлар кўпроқ кўтарилди.

**ЮИК ва АГ бўлган/бўлмаган беморларда марказий (аортал) ва периферик ҚБ ўртача кўрсаткичлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>ЮИК (n=48)</b>	<b>АГ ва ЮИК (n=85)</b>	<b>p</b>
Ёши, йил	62,5±6,9	63,08±8,51	0,19
пСҚБ, мм сим. уст.	135,2±21,0	156,9±14,8	0,022
пДҚБ, мм сим. уст.	84,8±12,9	92,2±13,4	0,0043
пПБ, мм сим. уст.	50,7±16,3	64,7±10,6	0,023
мСҚБ, мм сим. уст.	126,5±20,2	147,6±15,2	0,028
мДҚБ, мм сим. уст.	83,8±13,0	91,5±12,9	0,0452
мПБ, мм сим. уст.	42,7±14,6	56,3±8,8	0,013
АА, мм сим. уст.	12,0±7,7	16,8±6,4	0,018
ПТТТ, м/с	11,9±2,3	12,8±3,1	0,031
АІх, %	30,7±8,6	35,7±14,4	0,041
АІх@HR75, %	21,11±5,0	32,2±18,6	0,0027

Изох: p – ЮИК ва ЮИК/АГ билан касалланган беморлар ўртасидаги ишонарли фарк.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, марказий гемодинамика (мГД) ва томирларнинг қаттиқлиги деярли соғлом одамларнинг нормал кўрсаткичлардан юқори. ЮИК бор беморларда ГД ва томирлар деворларининг қаттиқлигининг барча кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқлар АГсиз ЮИК бор беморларга нисбатан аниқланди ва бу 3-жадвалда келтирилган: пСҚБ (p=0,022), периферик диастолик ҚБ (пДҚБ, p=0,043), пПБ (p=0,023), мСҚБ (p=0,028), марказий диастолик ҚБ (мДҚБ, p=0,0027), мПБ (p=0,013), аортал аугментация (АА, p=0,018), АІх (p=0,041), АІх@HR75 (p=0,041). АГ билан бирга ЮИК биргаликда бўлган беморлар гуруҳида мГД ва томирларнинг қаттиқлигининг максимал кўрсаткичлари кузатилди: пСҚБ – 156,9±14,8 мм сим. уст., пДҚБ – 92,2±13,4 мм сим. уст., пПБ – 64,7±10,6 мм сим. уст., мСҚБ – 147,6±15,2 мм сим. уст., мДҚБ – 91,5±12,9 мм сим. уст., мПБ – 56,3±8,8 мм сим. уст., АА– 16,8±6,4 мм сим. уст., АІх – 35,7±14,4%, АІх@HR75 – 32,2±18,6%. Ушбу тадқиқотга киритилган ЮИК ва ЮИК/АГ билан оғриган беморларда ПТТТ миқдорига кўра ишонарли фарқлар топилди (p=0,031), ва ЮИК/АГ билан оғриган беморларда ПТТТ АГсиз ЮИК бўлган беморларга нисбатан 0,7 м/с га юқори эди.

Чизикли регрессия таҳлилига кўра, юракнинг коронар касаллиги билан оғриган беморлар гуруҳидаги ёшнинг 1 йилга кўпайиши мСҚБни 0,6 мм сим.

уст. га ( $Y_{\text{мСКБ}} = 0,5554 \times \text{ёши} + 90,4228$ ), мПБни 0,8 мм сим. уст. га ( $Y_{\text{мпБ}} = 0,7565 \times \text{ёши} + (-5,5661)$ ), АІхни 0,9% га ( $Y_{\text{АІх}} = 0,869 \times \text{ёши} + 82,7809$ ), ПТТТни 0,4 м/с га ( $Y_{\text{ПТТТ}} = 0,3723 \times \text{ёши} + (-11,8548)$ ) ва АА кўрсаткичини 0,5 мм сим. уст. га ( $Y_{\text{АА}} = 0,5197 \times \text{ёши} + (-7,4889)$ ) ошишига олиб келади.

Аппланацион тонометрияси ва КАГ маълумотларини таққослаш учун барча беморлар шикастланган ТАлар сонига қараб гуруҳларга бўлинди. Биринчи гуруҳ 19 та кишидан иборат бўлиб, улардан 12 та эркак ва 7 та аёл (ўртача ёши  $59,7 \pm 7,8$  йил) ТАларда гемодинамик жиҳатдан жиддий шикастланишсиз. Иккинчи гуруҳ бир ёки иккита ТАларда гемодинамик жиҳатдан шикастланиши билан 55 та кишидан иборат эди (31 та эркак ва 24 та аёл), ўртача ёши  $62,0 \pm 6,0$  йил бўлган. Учинчи гуруҳга 3 ва ундан ортиқ шикастланган ТА бор 59 та бемор киритилган, ўртача ёши  $65,2 \pm 7,5$  йилни, шу жумладан 37 та эркак ва 22 та аёлни ташкил этди. Шикастланган ТАлар сонининг кўпайиши билан қуйидаги кўрсаткичларнинг сезиларли даражада кўпайиши аниқланди: АА, АІх, периферик ва марказий ПБ ва ПТТТ ( $p < 0,05$ ). Ёшнинг ўсиши билан мСКБ, АІх, АА, пПБ, мПБ ва ПТТТ сезиларли даражада ошиши қайд этилди. ТАларнинг шикастланиш даражасига қараб ёш гуруҳларини таққослашда, ТАларда 3 томирли атеросклеротик шикастланиши бўлган катта ёш гуруҳида мСКБ, мПБ, АІх, АІх@HR75 ва ПТТТнинг максимал қийматлари аниқланди, яъни мСКБ –  $140,4 \pm 13,0$  мм сим. уст. ( $p = 0,015$ ), мПБ –  $55,8 \pm 9,1$  мм сим. уст. ( $p = 0,001$ ), АІх –  $44,4 \pm 9,0\%$  ( $p = 0,025$ ), АІх@HR75 –  $22,9 \pm 3,8\%$  ( $p = 0,031$ ) ва ПТТТ –  $15,7 \pm 3,8$  м/с ( $p = 0,015$ ) ни ташкил этди. ТАларда 3 томирли шикастланиши билан 55 ёшдан 70 ёшгача бўлган беморларнинг гуруҳида ПТТТ кўрсаткичи 40 ёшдан 55 ёшгача ва ТАларда аналогик шикастланиши бўлган беморларга қараганда  $4,8$  м/с га кўп бўлган ( $p = 0,0051$ ).

Атеросклеротик шикастланишнинг тарқалишига қараб ЮИК бўлган 133 беморларда (асосий гуруҳ) ички аортал босим ва томирларининг қаттиклиги кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун 3 кичик гуруҳ ташкил этилди: «А» кичик гуруҳга шикастланиш фақатгина ТАларда бўлган беморлар киритилган; «В» кичик гуруҳига бифокал атеросклерозли беморлар киритилган: ТАларни УАлар билан биргаликда шикастланиши ёки ТАларни сон артериялари билан; «С» кичик гуруҳига мультифокал жараён бўлган беморлар киритилган, яъни унда юрак-қон томир тизимининг учта ҳавзасида шикастланиш аниқланган: ҳам ТАларда, ҳам УАларда, ҳам сон артерияларда.

«Каротид атеросклероз» ташхиси УАлар сонографияси ёрдамида қўйилган. ТЕИ ПАни тасдиқлаш учун ишлатилган (ТЕИ  $< 0,9$  қийматига эга бўлганда, ПАни тасдиқлаш учун беморларга пастки қўл-оёқлар ангиографиясини кўп кесмали компьютерли томография ёрдамида ўтказилди). Беморларни текшириш пайтида асосий гуруҳ қуйидагича тақсимланди: «А» кичик гуруҳи – 34 та бемор (29,8%), «В» кичик гуруҳи – 41 та бемор (30,8%), «С» кичик гуруҳи – 58 та бемор (43,6%). Аппланацион тонометриясининг кўрсаткичлари ҳар бир кичик гуруҳда алоҳида ўрганилди ва уларнинг қийматлари кичик гуруҳлар ичида ҳам, назорат гуруҳи (ЮҚТКлари инкор қилинган 25 та бемор) билан ҳам таққосланди.

**ЮИК бўлган беморларда мГД ва ПТТТ параметрларининг  
қийматларини қиёсий баҳолаш**

Кўрсаткичлар	Умумий гуруҳ, n-133			Назорат гуруҳи, n=25
	"А" кичик гуруҳи, n=34	"В" кичик гуруҳи, n=41	"С" кичик гуруҳи, n=58	
Ёши, йил	58,6±10,0	59,7±10,4	69,2±14,7**	61,7±6,6
пСКБ, мм сим. уст.	133,9±12,7	130,2±8,2	135,5±10,6*(▲)	120,4±10,6
пДҚБ, мм сим. уст.	85,1±5,7	83,9±4,3	82,4±9,1	81,6±8,2
пПБ, мм сим. уст.	48,8±5,9	46,3±5,7	53,1±5,7 (▲▲)	38,8±6,9
мСКБ, мм сим. уст.	118,9±11,4	121,8±7,0	123,6±9,8 (▲)	110,9±11,0
мДҚБ, мм сим. уст.	84,2±4,3	81,6±3,8	79,3±8,1	82,6±8,2
мПБ, мм сим. уст.	34,7± 9,6	40,2±5,0	44,3± 10,2*	28,3±6,3
АА, мм сим. уст.	11,6±1,1	12,7±1,3	14,1±1,2*(▲▲)	5,4±4,4
ПТТТ, м/с	10,8±0,6	11,0±0,9▲	13,3±1,5***(▲▲)	8,1±1,2
АІх, %	26,5±2,9	30,9±4,3▲▲	36,8±6,4****(▲▲)	5,6±1,5
АІх@HR 75, %	17,5±2,9	21,9±4,3▲▲	27,1±7,3****(▲▲)	7,93±1,9

Изоҳ: \* - p<0,05, \*\* - p<0,01, \*\*\* - p<0,001 – "С" кичик гуруҳ ва "А" кичик гуруҳ ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги; (\*) – p<0,05 – "С" кичик гуруҳ ва "В" кичик гуруҳ ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги; ▲ – p<0,05, ▲▲ – p<0,01, - "В" кичик гуруҳ ва "С" кичик гуруҳ ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги; (▲) – p<0,05, (▲▲) – p<0,01, - "А" кичик гуруҳ ва "С" кичик гуруҳ ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги.

3 та ҳавзали беморларда ("С" кичик гуруҳи), "А" кичик гуруҳи (фақат коронар атеросклерозли беморлар, p<0,01), "В" кичик гуруҳи (бифокал атеросклерозли беморлар, p<0,01) ва назорат гуруҳига (p<0,01) нисбатан ёши катта эди. Гуруҳлараро таҳлил пайтида (4-жадвалга қаранг), ҳар учта кичик гуруҳларда ПТТТ тезлашган эди ва "С" кичик гуруҳида эса бу кўрсаткич максимал миқдорлиги кўзатилган – 13,3±1,5 м/с. Бу ҳолат эса "А" кичик гуруҳига (ПТТТ – 10,8±0,6 м/с, p<0,01) ва "В" кичик гуруҳига (ПТТТ – 11,0±0,9 м/с, p<0,05) нисбатан ПТТТ ни миқдори "С" кичик гуруҳида кўпроқлигини исботлайди. "С" кичик гуруҳида АІх қиймати энг юқори эди –

36,8±6,4%, "А" кичик гуруҳига (26,5±2,9%, p<0,001), "В" кичик гуруҳига (30,9±4,3%, p<0,01) ва назорат гуруҳига (5,6±1,5%, p<0,001) нисбатан.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилганда, ЮИК билан оғриган беморлар гуруҳида томирларнинг ҳисобланган ёши паспорт (биологик) ёшидан нисбатан ўртача 11,6±2,1 ёшга (p<0,05) ошган эди ва амалий соғлом беморларда эса ишонарли фарқ аниқланмади, яъни 0,9±0,02 йилни ташкил этди. Шу билан бирга тадқиқот натижаларига кўра, ПТТТ нинг кўпайишига қараб томирларнинг қариш индекси ҳисоблаб чиқилган: ЮИК билан оғриган беморларда (n=133) ПТТТ нинг 10 м/с дан бошлаб ҳар 1 м/с га ошиши томир ёши билан паспорт ёшидаги фарқ ўртача 5 йилгача бўлган эди, бу томирларниг эрта қаришнинг 1 йили ПТТТ 0,2 м/с тезлашганлигига тенг бўлди.

ПТТТ қиймати бўйича олинган натижаларга асосланиб, беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ 95 кишидан иборат эди (63 та эркак ва 32 та аёл) ва уларнинг ПТТТ кўрсаткичи 10 м/с дан юқори эди; 2-гуруҳ ПТТТ ни қийматлари 10 м/с дан кам бўлган 38 кишидан иборат эди (12 та эркак ва 26 та аёл). Нормал ПТТТ ва ЮИК билан оғриган беморларда пСКБ ва пПБ ўртача кўрсаткичлари (пСКБ – 130,9±11,6 мм сим. уст., пПБ – 45,0±8,1 мм сим. уст.) 1-гуруҳ беморларга (пСКБ – 135,5±10,1 мм сим. уст., пПБ – 54,2±9,9 мм сим. уст.) қараганда паст эди (p=0,021). пДҚБ ва юрак қисқариш сони (ЮҚС) нинг параметрлари нормал ораликда аниқланди ва статистик жиҳатдан ишонарли фарқ йўқ эди. 1-гуруҳдаги беморлар орасида ортикча вазнли ва семириш бўлган беморлар кўпроқ тарқалган эди (p=0,047). Лаборатор таҳлилларнинг натижаларини баҳолаганда, нормал ПТТТ бўлган ЮИК билан оғриган беморларга нисбатан ПТТТ 10 м/с дан юқори ва ЮИК бўлган беморларда УХ, паст зичликдаги липопротеин холестерини (ПЗЛП ХС) нинг ўртача концентрацияси юқори ва сезиларли фарқ борлиги аниқланди (p<0,05): 1-гуруҳда: УХ – 231,5±17,4 мг/дл га, ПЗЛП ХС – 160,2±15,5 мг/дл га; 2-гуруҳда: УХ – 214,3±19,7 мг/дл га, ПЗЛП ХС – 143,5±18,2 мг/дл га тенг бўлди. Шунингдек, иккала гуруҳ ўртасида юзСРО концентрациясида статистик жиҳатдан ишонарли фарқ аниқланди: тезлашган ПТТТ бўлган беморлар гуруҳидаги юзСРО қийматлари - 6,1±1,1 мг/л ни, нормал ПТТТ бўлган беморларнинг гуруҳига нисбатан – юзСРО - 4,9 ± 1,3 мг/л, юқори эди (p<0,01). Стандарт ЭхоКГ кўрсаткичларига кўра, ПТТТ 10 м/с дан юқори бўлган ЮИК билан оғриган беморларда нормал ПТТТ бўлган беморларга қараганда ЧҚ ўлчамлари кўпроқ ва ОФ нинг миқдори пастроқ бўлганлиги аниқланди, аммо параметрлар фарқи статистик аҳамиятга эга эмас эди (p>0,05). ҚАТҚ ва ЧҚММи каби кўрсаткичлар бўйича сезиларли фарқ қайд этилди (p<0,05): 1-гуруҳдаги беморларда юқоридаги кўрсаткичлар (ҚАТҚ – 12,0±0,8 мм, ЧҚММи – 118,1±24,1 мм) 2-гуруҳ беморларига қараганда (ҚАТҚ – 11,4±0,7 мм, ЧҚММи – 110,7±28,1 мм) юқори эди. Бу шуни кўрсатадики, ПТТТ 10 м/с дан ортик бўлган ЮИК билан оғриган беморларда ЧҚ ни ремоделлаш жараёни ПТТТ 10 м/с дан кам бўлган ЮИК билан оғриган беморларга қараганда анча ривожланган. Тезлашган ПТТТ бўлган (> 10 м/с) ЮИК билан оғриган беморларда мГД натижаларини баҳолаганда, сезиларли даражада юқори мСКБ

баландроқ –  $133,8 \pm 17,4$  мм сим. уст. ( $p=0,0012$ ), мДҚБ пастроқ –  $79,8 \pm 13,1$  мм сим. уст. ( $p=0,069$ ), мПБ –  $54,0 \pm 10,7$  мм сим. уст. ( $p=0,002$ ), АА –  $16,3 \pm 5,4$  мм сим. уст. ( $p=0,031$ ), АІх –  $39,4 \pm 8,6\%$  ( $p=0,034$ ), АІх@HR75 –  $26,93 \pm 3,9\%$  ( $p=0,042$ ) ва ПТТТ –  $13,8 \pm 1,1$  м/с ( $p=0,0073$ ) кўрсаткичлари юқорироқ бўлганлиги аниқланди. Бу, шунингдек, дастлабки тезлашган ПТТТ ва ЮИК билан оғриган беморларда нормал ПТТТ билан ва ЮИК билан оғриган беморларга нисбатан юқори мСҚБ, паст мДҚБ ва мПБ нинг кўпайиши натижасида сезиларли даражада аорта деворининг ремоделлаш жараёни бўлганлигидан даракдик (2-гуруҳда: мСҚБ –  $110,2 \pm 19,9$  мм сим. уст., мДҚБ –  $83,0 \pm 14,5$  мм сим. уст., мПБ –  $27,2 \pm 6,8$  мм сим. уст., АА –  $9,9 \pm 2,3$  мм сим. уст., АІх –  $23,8 \pm 9,3\%$ , АІх@HR75 –  $18,9 \pm 2,09\%$ , ПТТТ –  $9,5 \pm 1,09$  м/с).

Динамик йиллик кузатув давомида аниқланган ҳолатлар шуни кўрсатадики, ЮИК ва тезлашган ПТТТ бўлган беморларда ЮИК (23,7% қарши 51,6% га,  $\chi^2=12,67$ ,  $p<0,001$ ) дестабилизация ҳолатлари кўпроқ кузатилганлиги, 5,3% да ЮИК миокард инфаркти билан асоратланганлиги; 41,0% беморларга ТОКА – стентлаш амалиёти ( $\chi^2=11,5$ ,  $p<0,001$ ) ва 9,5% беморлар АКША ( $\chi^2=2,196$ ,  $p=0,139$ ) ўтказилганлиги аниқланди. ЮИК ва нормал ПТТТ билан оғриган беморларда ЮИК нинг дестабилизацияси 2,2 марта, ТОКА эса 4,1 марта кам кузатилган тасдиқланди. Тезлашган ПТТТ ва ЮИК билан оғриган беморлар орасида йил давомида 11,6% ҳолатларда БФ пароксизми, 4,2% ҳолатларда ЎМҚАБ ва 13,7% ҳолатларда мияда ТИА ривожланганлиги кузатилди ( $\chi^2=4,41$ ,  $p=0,036$ ). Бундан ташқари, йил давомида тезлашган ПТТТ ва ЮИК билан оғриган беморлар гуруҳида госпитализациялар сони 127 ни ташкил этди (йилига 1,34 госпитализация 1 беморга тўғри келади), нормал ПТТТ ва ЮИК билан оғриган беморларда эса госпитализациялар сони 14,1 марта кам эканлиги кузатилди (1 йилда 9 та госпитализациялар тўғри келди,  $\chi^2=19,87$ ,  $p<0,001$ ). Шунингдек, тезлашган ПТТТ бўлган ва ЮИК билан оғриган беморлар гуруҳида 1 йил давомида ўлим кўрсаткичи 100 та беморга 6,3 ни ташкил этди.

